

Қанийди қавмим билса!



08:00 / 29.10.2020 1634

Бир солиҳ зот ҳар куни Қуръони Каримдан ўн пора ўқишни одат қилиб олган эди. Бир куни Ёсин сурасини ўқиб ўтириб, «**У ҳолда мен аниқ залолатда бўламан-ку!**» деган оятни ўқиди-ю, жони узилди. Атрофдагилар ҳайрон бўлиб, «Бу одам солиҳ киши эди. Қандай қилиб унинг умри «**У ҳолда мен аниқ залолатда бўламан-ку!**» ояти билан ниҳояланди?» дейишди. Кейин бир киши уни тушида кўриб, «Аҳволинг қандай? Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?» деб сўради. Солиҳ зот: «Мени дафн қилиб кетишгач, икки фаришта келиб, «Роббинг ким?» деб сўради. Уларга ўқиётган оятларимни давом эттириб, «**Мен Роббингизга иймон келтирганман, менга қулоқ солинглар!**» дедим. Шунда менга «**Жаннатга кир!**» дейишди. Мен эса «**Қанийди Роббим мени мағфират қилиб, икром этилганлардан қилганини қавмим билса!**» оятини ўқидим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан